



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 10 октябрь, № 209 (9104)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни амалий ташриф билан Тожикистон Республикасига келди.



Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Ўзбекистон етакчиси Тожикистон Президентини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги самарали бўлгани билан самимий табриклади ҳамда «Марказий Осиё — Россия» форматидаги бўлажак учрашув ва МДҲ саммити муваффақиятли ўтишини тилади.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми, авиақатновлар сони ортиб бормоқда.

Ўзаро савдони кўпайтириш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича мувофиқлаштирилган чора-

тадбирларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинув ва сермахсул ҳудудлараро алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик асосий масалалар, шу жумладан, жорий йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

АНИҚ НАТИЖАГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Россия» форматидаги иккинчи саммитда иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама шериклики янада ривожлантириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Россия Президенти Владимир Путинга Марказий Осиё билан кенг қўламли стратегик шериклики ривожлантириш тарафдори бўлиб келаётгани учун миннатдорлик билдириб, унинг табиий шериклар бўлган мамлакатларимиз ҳамкорлигига янги суръат беришга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

— Россия биз учун муҳим, устувор стратегик шерик ва иттифоқчи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлайман. Умумий тарих, кўп асрлик алоқалар, халқларимизнинг маданий ва дунёқараш жиҳатдан яқинлиги, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар бундай ҳамкорликнинг мустақам ва ўзгармас асоси ҳисобланади, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Жаҳон иқтисодиётидаги тобора кучайиб бораётган геосиёсий кескинлик ва инқирозли ҳолатлар, шунингдек, юзага келаётган янги хавф-хатар ва таҳдидлар «Марказий Осиё — Россия» форматида янада яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликини тақозо этаётгани қайд этилди.

Шу маънода, Ўзбекистон етакчи-

си минтақа мамлакатларининг Россия билан ҳамкорлиги истиқболлари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Энг аввало, тизимли сиёсий мулоқотни мустақамлаш ва аниқ натижага қаратилган амалий ҳамкорликини кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Шу боис Ўзбекистон Президенти ҳар йили олий даражадаги учрашувларни, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар ва ҳудудларнинг мунтазам мулоқотларини ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

2027 йилга қадар қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, давлатимиз раҳбари амалий ҳамкорликини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган янада батафсил «Йўл харитаси»ни тайёрлашни таклиф этди.

Топшириқларни ўз вақтида бажариш, минтақавий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда жадаллаштириш мақсадида ҳукумат раҳбарлари ўринбосарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодий шериклики тубдан кенгайтириш минтақа билан Россия ҳамкорлигининг асосий йўналиши бўлиши керак. Ўзаро савдо кўрсаткичларида ижобий суръат қузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, ўтган йил ва жорий йилда Ўзбекистоннинг Россия ва минтақа мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизгача ошди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти доирасида товар айирбошлаш ҳажмини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Бозорларга киришни ўзаро енгиллаштириш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, «Марказий Осиё — Россия агроэкспресси» лойиҳасини ишга тушириш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз транзит-транспорт салоҳиятидан, энг аввало, Шимол — Жануб йўлаги доирасида самарали фойдаланиш гоят муҳим эканини таъкидлади.

— Биз автомобиль, темир йўл ва авиация алоқалари соҳасида миллий дастурларни уйғунлантириш ва шу асосда инфратузилмавий шерикликнинг комплекс режаси — мамлакатларимиз Транспорт-логистика контурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Ташқи хавф-хатарларга нисбатан барқарор бўлган интеграциялашган, ўзаро боғлиқ минтақавий транспорт инфратузилмасини шакллантириш бизнинг пировард мақсадимиз бўлиши зарур, — деди Президент.

Яна бир устувор йўналиш сифатида барқарор ишлаб чиқариш занжирларини яратиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш белгиланди. Шу маънода, бугунги кунда Ўзбекистон Россиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперациясини фаол кенгайтираётгани, газ-кимё тармоғида йирик стратегик лойиҳалар амалга оширилаётгани, замонавий мис бойитиш хаби ташкил этилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, машинасозлик, аниқ асбобсозлик, кимё, электротехника, тоғ-кон ва бошқа тармоқларда ҳамкорлики кластер асосида кенгайтириш учун улкан заҳиралар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Етакчи корхоналар ва хусусий секторнинг инновацияларга йўналтирилган кооперациясини рағбатлантириш мақсадида Бухоро шаҳрида илгор муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кўпайтириш учун ноёб технологик майдон бўлиши мумкин бўлган «Марказий Осиё — Россия» саноат инжиниринг хабини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — РОССИЯ» ФОРМАТИДАГИ ИККИНЧИ САММИТДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Аввало, анъанавий самимий қабул ва учрашувиимизни юксак даражада ташкил этгани учун Тожикистон Республикаси Президенти ҳурматли Эмомали Раҳмоннинг учрашуви билан миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Биз ҳар сафар Тожикистонга ташриф буюрар эканмиз, Сизнинг раҳбарлигингизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўламиз. Кўз ўнгимизда мамлакат қиёфаси тубдан ўзгармоқда — иқтисодиёт ва инфратузилма жадал ривожланмоқда, энг асосийси — аҳоли фаровонлиги ошиб бормоқда.

Россия Федерацияси Президенти ҳурматли Владимир Владимирович Путинга Марказий Осиё билан кенг қўламли стратегик шерикликини ривожлантиришнинг қатъий тарафдори бўлиб келаётгани учун самимий ташаккур изҳор этаман.

Сизнинг минтақа билан иттифоқчилик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликини мустақамлаш масалаларидаги доимий қўллаб-қувватлашингиз ва шахсий эътиборингизни Ўзбекистон доимо ҳис этиб келиши ва қадрлашини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Сиз илгари сурган, табиий шериклар бўлган мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигига янги суръат беришга қаратилган ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Хурматли давлат раҳбарлари!

Россия биз учун муҳим, устувор стратегик шерик ва иттифоқчи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлайман.

Умумий тарих, кўп асрлик алоқалар, халқларимизнинг маданий ва дунёқараш жиҳатдан яқинлиги, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар бундай ҳамкорлиқнинг мустақам ва ўзгармас асоси ҳисобланади.

Шу билан бирга, геосиёсий зиддиятлар ва жаҳон иқтисодиётидаги инқироз ҳолатлари кучайиб бораётгани, янги хавф ва таҳдидлар минтақада барқарорлиқни таъминлаш йўлида бизнинг форматимиз доирасида янада яқин мувофиқлаштириш ва ҳамкорлиқни талаб этмоқда.

Кун тартибидан келиб чиқиб, Марказий Осиё ва Россия ўртасидаги кенг миқёсдаги ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари бўйича ўз қарашларимизни айтиб ўтмоқчиман.

Биз ушбу форматда аниқ натижага эришишга йўналтирилган тизимли сиёсий мулоқотларни кучайтириш ва амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳар йили олий даражадаги учрашувларни, ҳукуматлар, вазирлик, идора ва минтақаларнинг мулоқотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш тарафдоримиз. Шу муносабат билан 2027 йилгача бўлган Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинишини қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, ҳукуматларимизга амалий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган кенгайтирилган «Йўл харитаси»ни тайёрлаш бўйича топшириқ беришни таклиф этамиз.

Топшириқларимиз ўз вақтида ижро этилаётганини назорат қилиш, минтақавий аҳамиятга эга бўлган дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширилишини тезлаштириш учун ҳукумат раҳбарлари ўринбосарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи кенгаш таъсис этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биз минтақамизнинг Россия билан иқтисодий шериклигини тубдан кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Буни биргаликдаги фаолиятимизнинг асосий йўналиши, деб ҳисоблаймиз.

Бозорларда ноқулай конъюнктура сақланиб қолаётган ва ташқи таъсирлар кучайиб бораётган шароитда ўзаро савдо кўрсаткичларида ижобий ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Жумладан, ўтган йил янқунари бўйича ва жорий йилда Ўзбекистоннинг Россия ва минтақа мамлакатлари билан ўзаро товар айланмаси 15 фоизга ўсди.

Бу ишларни давом эттириш ва биз таклиф этаётган Кенгаш доирасида махсулот айирбошлаш ҳажмини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда гап махсулот бозорларига ўзаро киришни енгиллаштириш, жараёнларни соддалаштириш, «Марказий Осиё — Россия агроэкспресс» лойиҳасини ишга тушириш ҳақида бормоқда.

Мамлакатларимизнинг транзит-транспорт салоҳиятидан, биринчи навбатда, Шимол — Жануб йўлаги доирасида самарали фойдаланиш ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

Биз автомобиль, темир йўл ва авиация алоқалари соҳасида миллий дастурларни уйғун-

лаштириш ва шу асосда инфратузилмавий шериклиқнинг комплекс режаси — мамлакатларимиз Транспорт-логистика контурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ташқи хавф-хатарларга нисбатан барқарор бўлган интеграциялашган, ўзаро боғлиқ минтақавий транспорт инфратузилмасини шакллантириш бизнинг пировард мақсадимиз бўлиши зарур.

Биз барқарор ишлаб чиқариш занжирларини яратиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш яна бир устувор йўналиш сифатида кўрамиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Россиянинг етакчи компаниялари билан саноат бўйича шериклики фаол кенгайтирмоқда. Шу борада газ-кимё соҳасида йирик стратегик саноат лойиҳалари амалга оширилаётгани ва замонавий мис бойитиш хаби яратилаётганини мисол сифатида келтириб ўтишни истар эдим.

Айни вақтда машинасозлик, асбоблар ишлаб чиқариш, кимё, электротехника, тоғ-кон ва бошқа соҳаларда кластер асосида ҳамкорлиқни кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган улкан заҳиралар мавжуд.

Етакчи корхоналар ва хусусий секторнинг инновацияга йўналтирилган кооперациясини рағбатлантириш учун Бухоро шаҳрида «Марказий Осиё — Россия» саноат инжиниринг хабини ташкил этишни таклиф қиламиз. Ушбу лойиҳа илгор муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва оммалаштириш учун ноёб технологик майдончага айланишига ишонаман.

Тошкентда ўтказиладиган «Иннопром. Марказий Осиё» кўргазмали форум имкониятларини юқори даражада ишга солиш муҳим эканини қайд этмоқчиман. Апрель ойида ўтказилган кўргазма 35 мамлакатдан 10 мингдан ортқ иштирокчиларни бирлаштирди. Беш миллиард долларлик битимлар имзоланди.

Ушбу тадбирга «Марказий Осиё — Россия» мулоқоти форматидаги асосий саноат ва инновация майдони мақомини беришни таклиф этамиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Мамлакатларимизнинг Россия билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги бундан буён ҳам минтақанинг тинчлиги ва барқарорлиги омили бўлиб қолади. Биз бугун стратегик, жумладан,

газ қувурлари ва энергетика инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Шу кунларда тарихий бир воқеа бўлиб ўтади — Ўзбекистонда барпо этиладиган атом электр станциясининг биринчи реактори ва кўп тармоқли ядро тиббиёти маркази қурилиши бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга старт берилди.

Ушбу йўналишда кенг қўламли илмий-амалий ҳамкорлик ўрнатишни — Ўзбекистонда атом энергетикаси бўйича Минтақавий компетенциялар марказини таъсис этиш, шунингдек, Москва давлат муҳандислик-физика институтининг Тошкент филиали базасида кадрлар тайёрлаш дастурини қабул қилишни таклиф этамиз.

Бундан ташқари, углеводород ресурсларини қидириш ва қайта ишлаш, электр энергетикаси тизимини модернизация қилиш, энергияни тежайдиган ечимларни жорий этиш соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтириш ниятидамиз.

Илгор билим ва технологиялар трансфери, қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш учун «Марказий Осиё ва Россия энергетик шериклиги» комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Инновациялар соҳасида мамлакатимизда «Сколково» маркази филиалини очишни таклиф этамиз.

Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича Минтақавий эксперт кенгашини таъсис этишни даврнинг ўзи талаб этмоқда, деб ҳисоблаймиз. Ишончим комил, бундай платформа етакчи марказлар, ташкилотлар ва IT компаниялар даражасида сайёҳ-ҳаракатларни бирлаштириш ва лойиҳалар бўйича ҳамкорлиқни йўлга қўйиш учун имкон яратлади.

Биз, шунингдек, қўшма дастурларни амалга ошириш йўли билан гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш ниятидамиз. Шу борада этномаданият форуми — Марказий Осиё ва Россия халқлари маданияти, санъати ва ижодиёти фестивалини ҳар йили ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

«Келажақ муҳандислари» илмий-таълим консорциумини ташкил этишни таклиф қиламиз. Бу мулоқот майдони дуал ва профессионал таълим тизимини жорий этиш, фундаментал илмий ишланмаларни амалга ошириш мақсади-

да мамлакатларимизнинг етакчи олийгоҳлари ва тадқиқотчилар ва олимлар учун Махсус грантлар дастурини биргаликда таъсис этишимиз мумкин.

Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат миграцияси соҳасида ижтимоий мослашувга қўмаклашиш дастурларини қабул қилиш, шунингдек, минтақавий йўналишлар асосида сайёҳлик оқимини кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишни истар эдим.

Терроризм, экстремизм, радикализм, уюшган жиноятчилик, одам савдоси ва наркотрафикларга қарши курашда махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг яқин ҳамкорлигини янада кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Янги кибертаҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича биргаликда чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Афғонистон билан ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришга қўмаклашиш бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириш мақсадида юқори даражадаги маслаҳатлашувларни ўтказиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз. Хавфсизлик соҳасида ўзаро ҳамкорлик, мазкур мамлакатда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ушбу учрашувлар кун тартибига киритилиши мумкин.

Хурматли ҳамкасблар! Сўзимнинг якунида мамлакатларимиз хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш йўлида Россия билан кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга содик эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман.

АНИҚ НАТИЖАГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

◀1 Мамлакатимиз етакчиси Тошкентдаги «Иннопром. Марказий Осиё» кўргазма-форуми имкониятларини максимал даражада ишга солиш муҳимлигини таъкидлади.

Жорий йил апрель ойида ўтказилган бешинчи кўргазмада 35 мамлакатдан 10 мингдан зиёд иштирокчилар қатнашди. 5 миллиард долларлик битимлар тузилди. Ушбу тадбирга «Марказий Осиё — Россия» мулоқоти форматидаги бош индустриал ва инновацион майдон мақомини бериш таклиф қилинди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, Россия билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам минтақа барқарорлигининг омили бўлиб қолади. Бугунги кунда газ қуурлари ва энергетика инфра-тузилмасини ривожлантириш бўйича стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Шу кунларда тарихий бир

воқеа бўлиб ўтади — Ўзбекистонда барпо этиладиган атом электр станциясининг биринчи реактори ва кўп тармоқли ядро тиббиёти маркази қурилиши бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга старт берилди, — деди Президент.

Ушбу йўналишда кенг илмий-амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш — Ўзбекистонда Атом энергетикаси бўйича минтақавий компетенциялар марказини таъсис этиш, шунингдек, Москва муҳандислик-физика институтининг Тошкент филиали негизида Кадрлар тайёрлаш дастурини қабул қилиш таклиф қилинди.

Углеводородларни излаш ва қайта ишлаш, электр энергетикасини модернизация қилиш, энергия-тежамкор ечимларни жорий этиш борасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш нияти билдирилди.

Илгор билим ва технологиялар трансфери, қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш мақсадида «Марказий Осиё — Россия энерге-

тика шериклиги» комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Инновациялар соҳасида «Сколково» марказининг минтақа мамлакатларида филиалларини очиш таклиф этилди.

Шунингдек, етакчи марказлар, ташкилотлар ва IT компаниялар даражасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва лойиҳавий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш имконини берувчи Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича минтақавий эксперт кенгашини таъсис этиш зарурилги қайд этилди.

Гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида ҳар йили Этномаданият форуми — Марказий Осиё ва Россия халқлари маданияти, санъати ва ижоди фестивалини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Бундан ташқари, дуал ва профессионал таълим тизимини жорий этиш, фундаментал илмий ишлан-

маларни амалга ошириш учун етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот тузилмаларининг салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган «Келажақ муҳандислари» илмий-таълим консорциумини ишга тушириш таклиф қилинди. Минтақа мамлакатларида муваффақиятли фаолият юритаётган Россия университетларининг филиаллари Консорциумнинг интеллектуал базаси бўлиши мумкинлиги таъкидланди. Ўзбекистонда уларнинг сони 15 тани ташкил этади.

Шунингдек, Марказий Осиё ва Россиянинг ёш тадқиқотчи ҳамда олимлари учун махсус грант дастурини таъсис этиш таклиф қилинди.

Ҳар томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш учун болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат миграцияси соҳасида ижтимоий мослашувга қўмаклашиш, шунингдек, минтақавий йўналишлар асосида сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича дастурлар

қабул қилиш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Президенти минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталди.

— Терроризм, экстремизм, радикализм, уюшган жиноятчилик, одам савдоси ва наркотрафикларга қарши курашда махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг яқин ҳамкорлигини янада кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Янги кибертаҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича бир-галикда чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Ҳамкорлиқни кенгайтириш ва Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўмаклашиш борасидаги ёндашувларни мувофиқлаштириш мақсадида олий даражадаги маслаҳатлашувлар ўтказиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф қилинди. Мазкур учрашувлар кун тартибидан хавфсизлик соҳасидаги ҳам-

корлик, ушбу мамлакат барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ўрин олиши мумкин.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти минтақанинг барча мамлакатлари хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва равнақини таъминлаш йўлида Россия билан кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини яна бир бор таъкидлади.

Саммит давомида бошқа давлатлар раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Тадбир якунида Қўшма коммюнике ва устувор йўналишларда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалий таширифи давом этмоқда.

Ў.А.

МДХ:

БАРҚАРОР МУЛОҚОТ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАРУР ҚАДАМ

Ўзбекистон ташқи сиёсати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро минтақавий интеграцион тузилмалардан бири — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ҳисобланади. Мазкур тузилма бугунги кунга қадар анча мураккаб бўлган шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди — постсовет маконида бирлаштирувчи омил сифатида халқаро муносабатларда ўз ўрнига эга бўлган тузилмага айланди. Ташкилот ўз таркибига кирган давлатлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, илм-фан, маданий-гуманитар соҳадаги ришталарни сақлаб қолишга ва уларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

■ Нуктаи назар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташкилотнинг 2018 йил Сочи шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон МДХ фаолиятидаги иштирокига сифат жиҳатдан янги суръат бағишлашни мақсад қилиб қўйганлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, бугунги кунда ташкилотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг халқаро нуфузини муттасил ошириб бориш зарурилги ҳақида аниқ тасаввур мавжуд. МДХ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш майдони эмас. Бу тузилма биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишининг гоят муҳим институтидир. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса юртимизнинг доимий шериклари, қўшнлари ва дўстларидир.

Айни пайтда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган МДХ давлат раҳбарларининг саммити, шунингдек, “Марказий Осиё — Россия” форматидаги иккинчи учрашув кун тартибидан транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, энергетика ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик, миграция жараёнларини тартибга солиш каби масалалар ўрин олган. Бундан ташқари, саммит якунлари ушбу форматни МДХ доирасидан чиқиб, минтақавий интеграциянинг барқарор механизмига айлантириш учун асос яратишига амин.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида кўп векторлилик принципи устувор этиб белгиланган бўлиб, бунда минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳам Ўзбекистон учун шундай муҳим платформалардан бири ҳисобланади. МДХ доирасида эркин савдо зонаси мавжудлиги Ўзбекистонга қўшни давлатлар билан савдо-сотиқни ривожлантириш, экспорт ва импорт ҳақини ошириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг ўсишига хизмат қилади. МДХ ҳудуди орқали ўтадиган транспорт йўллари ва коммуни-кация тармоқлари Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро бозорларга чиқишини оsonлаштиради. Транспорт коридорларини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этиш Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

МДХ доирасида терроризм, экстремизм, наркотрафик ва бошқа трансмиллий жиноятларга қарши кураш бўйича ҳамкорлик олиб борилади. Бу Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. МДХ мамлакатлари ўртасида маданият, таълим, фан ва спорт соҳаларида ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Бу, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ҳам МДХ учун муҳим аъзо давлат ҳисобланади. Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввалам-бор, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Иккинчи-

дан, Ўзбекистон МДХдаги энг йирик иқтисодийётлардан бири бўлиб, минтақавий иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Учунчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёда сиёсий барқарорлиқни сақлашда муҳим роль ўйнайди. Бу, бутун МДХ ҳудудида хавфсизлиқни таъминлашга ёрдам беради. Тўртинчидан, Ўзбекистон МДХ доирасида фаол ташқи сиёсат олиб боради ва ташкилотнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни илгари суради.

МДХ Ўзбекистон учун муҳим минтақавий платформа бўлиб, иқтисодий, сиёсий, хавфсизлик ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлиқни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади. Ўзбекистон ҳам, ўз навбатида, МДХнинг фаол ва муҳим аъзоси сифатида ташкилотнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси МДХдаги миллий координатори мақомини ташқи ишлар вазирини ўринбосаридан Бош вазир ўринбосари даражасига кўтаришга қарор қилди. Шунингдек, Ўзбекистон тузилма Иқтисодий кенгашидаги иштирокини қайта тиклади. Унинг доирасидаги ҳуқуқий базаси ва ҳамкорлиги ҳолатини tubдан қайта кўриб чиқиш ва шу асосда уни кенгайтириш учун имкониятлар истиқболини белгилаб олди.

Биз бир қатор устувор йўналишлар бўйича, аввало, савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим ва илм-фан, шунингдек, хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлиқни фаоллаштиришдан манфаатдормиз. Шу боис МДХнинг аввал иштирок этилмаган тармоқ органлари фаолиятида қатнашишга қарор қилинди. Мамлакатимиз МДХнинг тармоқлар бўйича ҳамкорлиқнинг 24 та органига қўшилди, 65 та тузилмаси фаолиятида тўлиқ иштирок этмоқда.

Ўтган даврда Ўзбекистон Президенти томонидан қўллаб муҳим йўналишлар юзасидан қарийб 70 та ташаббус илгари сурилди. Уларнинг аксарияти Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, рўёбга чиқарилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги шартноманинг товарларни олиб қўйишга доир қондаларини қайта кўриб чиқиш, импорт ўрнини босишга қаратилган миллий дастурларни ўзаро уйғунлаштириш, давлат харидлари бозорига имтиёзли кириш ҳуқуқини ўзаро келишув асосида тақдим қилиш имкониятларини кўриб чиқиш, қўшма улгуржи тақсимлаш ва логистика марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш дастурини қабул қилиш, электрон савдони ривожлантириш таклифларини илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси транспортнинг барча турларида мультимодал ташувларга ўтиш орқали транспорт коридорларини ривожлантириш, асосий минтақавий коридорлар орқали юкларни ташвишда бизнес учун жозибador шартларни шакллантириш, йўловчи ва юк ташвишда

бошқариш жараёнларини ва кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш, транспорт инфратузилмаси ва ҳаракат таркибини модернизация қилиш дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш тарафдори.

Бундай фаоллик ва ташаббускорлик юқори баҳоланди. 2023 йили Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий муко-фоти — МДХ Фахрий нишонининг тантанали топирилиши ҳам ана шу ташаббусларнинг эътирофидир.

Шу билан бирга, МДХнинг келажаги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан аъзо давлатларнинг ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда конструктив мулоқот олиб боришга ва биргаликда ечимлар топишга тайёрлигига боғлиқ. Ўзбекистон бу борада доимо очик ва ҳамкорликка тайёр эканлигини билдириб келган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилганидан бери қўллаб-қўллаганига эришган бўлса-да, унинг олдида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, МДХга аъзо давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий манфаатлари бир-бирдан фарқ қилади. Бу, айрим масалалар бўйича умумий позицияга эришишни қийинлаштиради ва ҳамкорлиқни сустайтириши мумкин. Хусусан, Россия ва бошқа давлатларнинг геосиёсий қарашларидаги фарқлар МДХ доирасидаги муносабатларга таъсир қилади.

Бошқа томондан, МДХ доирасида иқтисодий интеграция жараёни жадвал кечмаяпти. Эркин савдо зонаси мавжуд бўлса-да, савдо тўсиқлари, тарифлар ва бошқа чекловлар савдо-сотиқни ривожлантиришга халал бермоқда. Бундан ташқари, ягона иқтисодий макон яратиш бўйича ҳаракатлар ҳам етарли даражада эмас. Ташкилотнинг институционал тузилмаси етарли даражада ривожланмаган, унинг қарор қабул қилиш механизми мураккаб ва бюрократик бўлиб, бу қарорларнинг тез ва самарали амалга оширилишига тўсиқлини қилади.

МДХ ҳудудида мавжуд бўлган минтақавий моҳоролар (масалан, чегара муаммолари, этник низолар) унинг доирасидаги ҳамкорликка халал беради. Ушбу моҳоролар аъзо давлатлар ўртасидаги ишонсизлиқни кучайтиради ва шериклиқни сунчи қайтиради. Уларни ҳал қилиш учун аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш, ташкилотнинг институционал тузилмасини ислоҳ этиш, МДХнинг имижини яхшилаш, минтақавий моҳороларни тинч йўл билан ҳал қилиш каби ташаббуслар илгари сурилмоқда. Агар МДХ ушбу муаммоларни ҳал эта оласа, у минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва аъзо давлатларнинг манфаатларини

ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ўзбекистон учун иқтисодий ҳамкорлик соҳасида масалалар доираси кенг бўлиб қолмоқда, чунки Россия ва Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодиётлари яқин ўтмишда ягона ҳўжалик комплексига кирган эди. Амалий нуктаи назардан, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга эътибор қаратилиши мумкин. Европа — Хитой барқарор транспорт йўлагини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал қилишдан нафақат Россия ва минтақа мамлакатлари, балки Хитой ва Европа Иттифоқи ҳам манфаатдор.

Қўшимча омил минтақада энергия ресурсларини субсидиялаш тизими бўлиб, бу ички нархларнинг пасайишига олиб келади ва савдо жозибadorлигини пасайтиради. Бу борада вазият аста-секин ўзгармоқда: Ўзбекистон ва Қозоғистонда энергия ресурсларига ички нархлар ошиб, субсидиялаш миқёси қисқармоқда ва бозорни янада шаффоф ҳамда жозибали қилмоқда. Шулар фонида Россиянинг минтақага газ етказиб берувчи сифатидаги роли мустаҳкамланмоқда.

Қолаверса, реал иқтисодиёт нуктаи назаридан минтақада Хитой ва Россия асосий ўйинчилар бўлиб қолмоқда. Катта молиявий ресурслар ва қудратли иқтисодиётга эга бўлган Пекин минтақада ўз иштирокини фаол равишда кенгайтирмоқда. Россиянинг эса энергия ресурсларини етказиб беришда устунлиги бор. Узоқ муддатли истиқболда у нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари экспортини кенгайтиришдан манфаатдор. Умуман олганда, Россия ва Марказий Осиёнинг иқтисодий ҳамкорлиги, айниқса, энергетика соҳасида, узоқ муддатли салоҳиятга эга. Минтақа бозорларининг аста-секин либераллаштирилиши минтақани тобора жозибали қилмоқда.

Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувлари, жумладан, Душанбеда бўлиб ўтадиган саммит мулоқот форматининг барқарорлигини тасдиқлайди. Бундай алоқалар ҳамкорлиқни реал вақт режимида йўлга қўйиш имконини беради. Минтақа ўзини ягона макон сифатида аста-секин қайта англамоқда. Бу ерда ҳозирча расмий интеграция уюшмаси йўқ, аммо Марказий Осиё раҳбарларнинг Маслаҳат учрашувлари минтақавий мувофиқлаштиришни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасига айланмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик муносабатларда доимо муҳим роль ўйнаб келган. Бунда таълим соҳаси устувор йўналишга айланмоқда. Гап квоталарга, академик ҳаракатчанлик ва Марказий Осиёда Россия университетлари филиалларини ривожлантириш ҳақида кетмоқда. Энергетика, жумладан, атом энергетикасини барпо этиш, энергия ресурсларини етказиб бериш, транспорт-логистика мавзуси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, шарҳловчи («Халқ сўзи»).



Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий эътиёжманд айрим тоифалари ҳуқуқларининг қафолатларини қучайтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти.

Ушбу қонунларда “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишнинг тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Автомобил транспортни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда уларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахслар-

нинг муурожаатларини кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштириш зарурати юзга келаётганлиги қайд этилди.

Ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатилган кундузги парварши хизмати учун тўланадиган тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилиб, таъйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ишга жойлаштириш қафолатлари қучайтирилмоқда.

Бундан ташқари, муҳокама жараёнида интеллектуал мулк объеклари ҳамда товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг муҳофазасини қучайтириш, давлат бююртмачилари томонидан давлат харидларини амалга оширишда рақобат муҳитини таъминлаш ишларини ҳам тақомилга етказиш лозимлигига ургу берилди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев Польша Республикаси парламенти Сенати Эмиграция ишлари ва хориждаги поляклар билан алоқалар комиссияси раиси Богдан Борусевич бошчилигидаги делегация билан учрашди.

■ Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Польша ўртасида парламентлараро ҳамкорлиқни кенгайтириш, икки мамлакат халқларининг тарихий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат давомида парламентлараро ҳамкорлик асосида икки давлат ўртасидаги савдо айланмасини ошириш, Европа Иттифоқи бозорларига миллий маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, савдо йўларини ташкил этиш, шунингдек, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, туризм, таълим ва ҳудудлараро ҳам-

корлик йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратилди.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга депортация қилинган Польша фуқароларига нисбатан ўзбек халқи томонидан кўрсатилган меҳр-оқибат ва ғамхўралик алоҳида қайд этилди. Мамлакатимиз ҳудудида дафн этилган поляклар хотираси эъзоз билан ёдга олинди.

Богдан Борусевич Иккинчи жаҳон уруши даврида поляк халқига кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами ҳамда юртимиздаги поляклар дафн қилинган қабристонларда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари учун ўзбек халқига қуқор миннатдорлик изҳор этди.

«Халқ сўзи».

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ — ЭРТАНГИ КҮН УМИДИ

Тулин политехника университетида қайта тикланувчи энергия технологияларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Халқаро анжуман

Тадбирда вазирлик ва идоралар вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова иштирок этди.

Семинарда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, қуёш ва шамол электр станциялари тизимларини лойиҳалаш, ресурсларни баҳолаш, энергетика объекта-

ларини оптималлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқариш ҳақмининг камида 40 фоизини қайта тикланувчи манбалар ҳисобига таъминлашни мақсад қилган. Бу йилгига 25 млрд. кубометр табиий газни тежаш ва атмосферага ташламаларни 34 млн. тоннага камайтиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».



ТИЛ, ТАРИХ ВА ҚАДРИЯТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Ўзбекистон бугун турли халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо. Улар орасида Туркий давлатлар ташкилоти унга аъзо мамлакатларнинг маданияти, тили, анъаналари, тарихи, қадриятлари муштараклиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ҳашаш тил, ягона дин, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган бу тузилма минтақавий кўп қиррали ҳамкорликнинг самарали сиёсий-дипломатик платформасига, Марказий Осиё ва Евроосиёдаги сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларнинг муҳим иштирокчисига айланиб, халқаро майдондаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

6-7 октябрь кунлари Габала шаҳрида ТДТнинг “Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” мавзусида ўтказилган навбатдаги саммитида давлатимиз раҳбари, аввало, дунёдаги глобал вазиятга баҳо берар экан, мураккаб геосиёсий-геоиктисодий зиддиятлар, минтақавий низолар ва иқлим ўзгариши оқибатларининг кучайиши барча мамлакат учун қийин синов бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Муаммоларга фақат халқаро ҳуқуқ меъёrlари, БМТ низоми асосида ечим топиш зарурлигига эътибор қаратади.

Саммитда Президентимиз нутқ сўзлаб, концептуал аҳамиятга эга бир қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, Туркий давлатларнинг иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгашини тузиш ва бу кенгашнинг Лойиҳа офисини Тошкент шаҳрида жойлаштириш тақлифи билдирилди.

Биринчидан, мазкур тақлиф туркий давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни фақат икки томонлама эмас, балки кўп томонлама платформа асосида мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Ҳар бир аъзо давлатнинг иқтисодий салоҳияти, тармоқлар кесимидаги эҳтиёжлари, савдо-саноат инфратузилмаси ва инвестициявий афзалликлари чуқур таҳлил қилинган ҳолда, кенгаш доирасида аниқ ҳамда маъзилли лойиҳалар ишлаб чиқиши мумкин.

Иккинчидан, доимий фаолият юритадиган кенгаш туркий давлатлар ўртасидаги иқтисодий сиёсатни уйғунлаштириш учун муҳим институтга айланади. Зеро, айни пайтда глобал иқтисодиётдаги бекарорлик, логистика занжирларидаги узилишлар ва протекционист ёндашувларнинг кучайиши фонида туркий макон ички иқтисодий барқарорлик ҳамда ўзаро боғлиқлики мустаҳкамлашга муҳтож. Шу жиҳатдан олиб қараганда, доимий кенгаш ана шундай масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишга хизмат қилувчи стратегик қадам бўлади.

Анвар ТҮЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва
экология кўмитаси раиси.

УМУМИЙ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ БИРДАМЛИК

Озарбайжоннинг Габала шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган асосли тақлиф ва ташаббуслар иштирокчи мамлакат етакчилари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Президентимиз ўз нутқида хавфсизлик ва сиёсий мувофиқликнинг муҳимлигини таъкидлаб, Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва махсус хизматлари раҳбарларининг биринчи кўшма учрашувини ўтказиш бўйича ташаббусни илгари сурди.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан илгари сурилган Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик шартномасини қабул қилиш гоёсини ҳам эътироф этиш жоиз. Бу шартнома туркий халқларнинг умумий тарихий мероси, маданий ва цивилизациядан муштаракликларини мустаҳкам ҳуқуқий асосга солиш билан бирга, уларнинг геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларини бирлаштиришни кўзда тутди. Шартноманинг қабул қилиниши билан туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиб, биргаликдаги сиёсий ва иқтисодий қарорлар самарадорлиги ошди.

Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш страте-

ликини кучайтириш имконини беради.

Президентимиз саммит доирасида транспорт ва логистика соҳаларига оид бир қатор муҳим тақлифларни ҳам илгари сурди. Жумладан, Ўрта коридорни ривожлантириш ҳамда уни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва Трансафғон йўлагига билан боғлаш гоёси Евроосиё минтақасидаги транзит салоҳиятини тўлиқ шига солиш, янги стратегик йўналишларни ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббус сифатида алоҳида таҳсинга сазовор. Мазкур лойиҳалар орқали туркий давлатлар ўзаро боғлиқликини мустаҳкамлабгина қолмай, Осиё ва Европани боғловчи устувор транспорт занжирларининг ажралмас қисмига айланади.

Президентимизнинг Габала саммитидаги ташаббуслари туркий ҳамкорликини янги босқичга олиб чиқиш, минтақавий барқарорлиқни таъминлаш ва умумий манфаатлар атрофида бирлашишга қаратилган кенг қамровли, амалий ва стратегик ёндашувлар мажмуасидир. Бу ташаббуслар туркий мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни назарий гоёлардан амалий дастурлар асосида янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлilдир.

Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар,
маданият ва спорт
масалалари кўмитаси аъзоси.

МИНТАҚАВИЙ ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 6-7 октябрь кунлари Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг навбатдаги саммитида иштирок этди.

ТДТга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар тарихий, маданий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотга аъзо давлатларни ўхшаш миллий урф-одат, анъаналар, маданият ва дин, икки томонлама алоқаларнинг бой тарихи ҳамда минтақавий ҳамкорликдаги умумий манфаатлар бирлаштиради.

Ташкилот БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Олий даражада олиб борилаётган мунтазам музокаралар икки томонлама муносабатларнинг юқори даражада эканини намоён қилмоқда.

Ўзбекистон дастлаб туркий тилли давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйишнинг фаол иштирокчиси бўлишига қарамай, узок вақт давомида ушбу давлатлар саммитларида иштирок этмаётган эди.

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат натижасида мамлакатимиз 2019 йилда ташкилотга аъзо бўлди ва шу давр ичида унинг фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳозирги кунга қадар саммитлар доирасида 98 та ташаббусни илгари сурди ва улардан 67 таси амалга оширилган. 6 таси яқунланиш арафасида бўлса, қолган ташаббуслар бажариш жараёнида.

Ўтказилган саммитларда минтақа давлатлари учун муҳим бўлган савдо, транспорт, логистика, хавфсизлик, туризм, экология ва бошқа кўпала масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Эътиборлиси, 2022 йил 11 ноябрда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон раислигида бўлиб ўтган саммит натижасига кўра, аъзо давлатлар томонидан алоҳида Концепция ва Тadbирлар режаси ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилди. Бу эса саммит доирасидаги келишув ва қарорлар ижроси самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга раислиги даврида тузилма доирасида 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди ва улар ташкилот фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда ТДТ давлатлари орасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Ташкилот

доирасида ўттиз бешдан зиёд йўналишларда амалий ҳамкорлик олиб борилаётир. Аъзо давлатлар ўртасида ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсиб борапти ва бу кўрсаткич 2030 йилга қадар икки баробар ошиши кутилмоқда.

Кунги кеча Озарбайжонда “Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” мавзусида ўтказилган саммитда иштирокчи давлатлар учун устувор соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Ушбу саммитда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, нафақат туркий давлатлар минтақаси, балки бутун дунё учун қатор гоёлар ва тақлифларни илгари сурди. Албатта, мазкур ташкилот Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш, туркий давлатларнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлигини кучайтириш масалалари бўйича муҳим бўлиб, нутқда уларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз етакчисининг тарихий нутқида хавфсизлик масалаларига урғу берилганини тақлифлар орасида алоҳида йўналиш сифатида кўрсатиш мумкин. Хусусан, Озарбайжоннинг Арманистон билан имзоланган Тинчлик декларацияси туркий давлатларнинг ҳам умумий галабаси эканлиги таъкидланди. Ушбу келишув нафақат икки давлат, балки минтақа мамлакатларида савдо, иқтисодиёт, транспорт ва гуманитар соҳаларда яқин ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги имкониятларни кенгайтиради. Зеро, тинчлик ва тотувлик ҳар бир давлат ривожининг бирламчи заруратиدير.

Давлатимиз раҳбари нутқида ҳақли равишда қайд этганидек, дунёдаги бугунги мураккаб геосиёсий ўзгаришлар ўз бераётган ва хавфсизликка таҳдидлар тобора ортиб бораётган бир шароитда глобал бошқарув тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши ролини

ошириш гоётда муҳимдир. Жумладан, ривожланаётган давлатларнинг ўрни ва овозини мустаҳкамлашда яқин ҳамкорлиқни кучайтириш долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида ҳам БМТ Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва унинг таркибини кенгайтириш масаласига алоҳида тўхталган эди. Ушбу гоёнинг ТДТ саммитида кўрсатилиши мазкур масала атрофида иштирокчи давлатларнинг бирлашиши ва уларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлишга хизмат қилади.

Нутқда Ҳазо секторидagi инқироз, Украина атрофидаги вазият, Эроннинг ядро дастури муаммоси, Афғонистоннинг барқарорлиги масалалари жиддий ташвишга сабаб бўлаётгани ургуланди. Албатта, ушбу жойлардаги вазият туркий давлатларга ҳам хавфсизлик, савдо-иқтисодий нуқтаи назардан ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон томонидан глобал вазиятни чуқур таҳлил этиш ва керакли қарорлар қабул қилиш мақсадида Туркий давлатлар ташкилоти ташқи ишлар вазирлари ва махсус хизматлар раҳбарларининг биргаликдаги учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш ҳамда ушбу янги платформа доирасидаги биринчи кўшма учрашувини 2026 йил Самарқанд шаҳрида ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Мазкур тақлиф жаҳонда юзага келаётган ва туркий давлатлар минтақаси учун таҳдид солаётган масалаларни биргаликда белгилаш, таҳлил этиш ва уларнинг ечими бўйича қарорлар ишлаб чиқишда, халқаро даражада биргаликда улар рўйбига эришишда институционал муҳим механизм сифатида хизмат қилади.

Нутқда ёшларимиз орасида ёт ва бузғунчи гоёлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида туркий давлатлар маконида экстремистик ва радикал мафкурага қарши курашишга қаратилган Ҳаракатлар режасини қабул

Шубҳасиз, Президентимизнинг Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги нутқида кўтарилган гоёлар ва илгари сурилган тақлифлар нафақат минтақада, балки дунё миқёсида хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш, ташкилот доирасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг самарадорлигини оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Улўбек ШЕРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Халқаро ишлар, муудофа ва хавфсизлик
масалалари кўмитаси раиси.

устувор вазифа эканини таъкидлаб, бу борада Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги битимни тезроқ келишиб, қабул қилишни тақлиф этди. Ушбу битим ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлида асосий сиёсий ҳўжжат сифатида қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, амалий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Президентимизнинг Кўп қиррали шериклиқни кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тақлифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зотан, туркий дунё учун ягона “Йўл харитаси” бўлган мазкур ҳўжжат хавфсизликдан тортиб иқтисодиёт, таълим, транспорт ва экологик ҳамкорликкача бўлган барча муҳим соҳаларни қамраб олган.

Габала саммитида илгари сурилган конструктив тақлиф ва ташаббуслар нафақат мамлакатимиз, балки туркий давлатлар тарққиётига, аҳоли фаровонлигини янада оширишга, минтақанинг экологик хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратди.

Хайрулло ҒАҒҒОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Экология ва атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш
масалалари кўмитаси раиси.

ОҚИЛОНА БОШҚАРУВ ВА ЁШЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Маълумки, сентябрь ойи якунида давлатимиз раҳбари АҚШга ташриф буюриб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-йилбей сессияси тadbирларида иштирок этди ҳамда қатор хорижий мамлакатлар етакчилари, халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

Аҳамиятли жиҳати, Президентимиз БМТнинг юксак минбарига муҳим тақдиф ва ташаббусларни илгари сурар экан, ёшлар

масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини айнан Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифи йиғилганлар ҳамда дунё ҳамжамияти томонидан кизгин кутиб олинди.

Қувонарлиси, мазкур ташаббус хорижий ўлкаларнинг ёшлар ташкилоти ва идоралари мутасаддилари қалбига кенг акс садо берди.

Қуйидаги фикр-мулоҳазалар ва дил сўзларига буни аяққол кўриш мумкин.

Дил сўзи

Таха АЙХАН,
Ислом ҳамкорлиги ёшлар
форуми президенти:

— “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ташаббусини қатъий билан илгари сургани учун Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевга савимий миннатдорлигимни билдираман. Ушбу тақдиф ёшлар фақат дунёнинг келажақдаги тинчлигини эмас, балки бугунги тотувлигининг ҳам ҳимоячилари эканининг ёрқин ифодасидир.

Ишончимиз комил, мазкур ҳаракат ёшларнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида маданий алоқаларни мустаҳкамловчи кўприк ва самарали амалий муносабатлар йўлида зарурий платформа ўлароқ хизмат қилади.

Биз елкама-елка туриб, уни ҳаётга татбиқ этишга тайёриймиз. Ёшларнинг овози баралла янграши, гоёлари сиёсий кун тартибиди шакллантириши ва уларнинг қуввати чинакам тараққиётни ҳаракатга келтириши учун астойдил киришамиз. Бизнинг муваффақият мезонимиз оддий, бунинг учун қарор қабул қилиш жараёнида ёшлар фаолроқ бўлиши зарур, пировардидан жаҳонда мождорлар камроқ, ҳалқлар ўртасида эса бирдамлик мустаҳкам бўлади.

Юксак фахр билан айтаямки, Ислом ҳамкорлиги ёшлар форумини “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни қўллаб-қувватлайди ва бугун дунё мамлакатларини уни биргаликда рўёбга чиқаришга қорлайди.

Энес ИМИНЎҒЛИ,
Туркия Республикасининг спорт
ва ёшлар масалалари вазири
ўринбосари:

— Ҳозирги замон ёшлари фақатгина келажақ бунёдкори эмас, балки бугуннинг ҳам кўзгусидир. Улар зулм ва адолатсизлик қаршида сукут сақламайди. Газодаги нотинчлик, Африкадаги эксплуатация, Осиёдаги ирқий, диний камситишларга қарши чиққан ёшлар ўз виждони қачирғига қулқ тутмокда, десак, аини ҳақиқат.

Марказий Осиёнинг юрагида қад ростлаган Тошкент асрлар давомида туркийлар учун кут-баракат, биродарлик шахри сифатида тараққий этиб келмокда. Бош кент кўп йиллик

тарих давомида адолат, бағрикенглик ва тинчлик маркази ўлароқ турли маданиятларни бирлаштирди. Тошкент — бугун ҳам ёшларни тинчлик ва адолат сари илҳомлантирувчи макон. Бу аини кунларда, дунёнинг турли минтақаларида бўлиб ўтаётган катта тadbирларда ҳам ўз ифодасини топмокда. Туркийлар бутун тарихи давомида фақат жанг майдонларида эмас, инсоният тамаддунида ҳам пешқадам бўлган. Эндиликда ушбу бой тарихий илдири ва ХХI аср ёшлари салоҳияти уйғунлашган ҳолда жаҳонда янги бир овозга айланади. Яъни Марказий Осиё кентликларидадан бугунга қадар етиб келган тинчлик гоёси ёшларнинг куч-қудрати, иродаси ва ишончи орқали бутун дунёга ёйилади. Ахир биз келажақ авлодларга қолдирадиган энг қимматли мерос урушсиз, адолатли ва тинч дунё бўлиши даркор.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни тузиш ва унинг қароргоҳини Тошкент шаҳрида жойлаштириш ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Саида Амна БАТУЛ,
Покистон Миллий
ассамблеяси аъзоси,
мамлакат Бош вазирининг
ёшлар дастури координатори:

— Бугун сайёрамизда ёшлар улуши тарихдаги энг йирик рақамни ташкил этар экан, уларнинг овози ва қуввати тинчлик, бағрикенглик, бағрикенглик ҳамда барқарор тараққиётга асосланган келажақни қуришда муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳам урғулаш лозим. Шу ўринда Президентингизнинг узоқни ўйлаб, дунё аҳли тинчлиги ва бахтли эртаси йўлида билдирган тақдирини қўллаб-қувватлаш мен учун катта ифтихор бағишлайди.

Маълумки, Покистон ва Ўзбекистон мамлакатлари ўртасида таълим, кўникмаларни ривожлантириш, маданият, спорт, тadbиркорлик соҳаларида ёшлар ҳамкорлиги бўйича аниқлашув меморандумлари имзоланди. Бу бизнинг ёшларга ўқш, инновациялар жорий этиш ҳамда минтақавий тараққиёт йўлида биргаликда ишлаш имкониятларини яратиб билади, аиникса, аҳамиятли.

Айтиш жоиз, Ўзбекистон раҳбари то-

монидан билдирилган мазкур ташаббус юртингизнинг маданиятлар ўртасидаги кўприк ва ҳамкорлик тарафлари сифатидаги ролини ҳам акс эттиради. Мен ёшларимизнинг иқодий салоҳияти, қатъияти ва дунёни умумий орзу қилинган ҳақиқатга айлантиришдаги тасаввурига қатъий ишонаман.

Шубҳасизки, ёш етакчилар мавқеини мустаҳкамлаш ва бирдамликни ривожлантириш йўлида “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни тузиш катта инсонпарвар кучга айланади.

Асқар ШАЙКИДИНОВ,
Қирғиз Республикаси Ёшлар
ҳаракатининг бош қотиби,
ёшлар сиёсати бўйича миллий
эксперт:

— Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида қатор долзарб масалалар, қилиниши керак бўлган ишлар борасида атрофлиқа сўз юртди.

Айниқса, давлат раҳбарининг “Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдирини ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олийжаноб гоёларни сингдириш долзарб вазифасидир”, деган сўзлари барчамиз учун катта даъват, десак, адашмайми.

Сўз исботи билан деганидек, Ўртобоши қуруқ сўз билан чегараланмади. Унинг “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифи сўзимизни далиллайди.

Бугун дунё янги қаҳирқорлар билан юзлашаётган бир пайтда аини форматдаги ёшларнинг мулоқоти ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, маданият бирдамлик ва тинчлик гоёларини тарғиб этишда муҳим роль ўйнайди. Албатта, бундай ҳаракат дунё ёшлари учун муҳим платформага айланишига ишонаман.

Ушбу платформа янгидан-янги гоё, қаҳирқор ҳамда лойиҳаларни муҳокима қилиш, шунингдек, дунёда осойишталик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдонга айланиши учун ҳиссамизни қўлишга тайёриймиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

ХУДУДЛАРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

Ўзбекистон барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ҳолда демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини олиб бораётир. Устувор мақсад — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдан иборат.

Мушоҳада

Агар шу йилнинг январь — август ойларига эътибор қаратсак, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6.4 фоизга, чакана савдо товар айланмаси ўсиши — 2.0, ташки савдо айланмасида экспорт ҳажми 31.6 фоизга ошган ҳолда, истеъмол нархлари индекси 2024 йил декабрдагига нисбатан 4.5 фоизни ташкил этди. Бундан кўринадики, 2025 йилда улкан марра сифатида белгилаб олган макроектисодий кўрсаткичлар: ЯИМ ўсиши 6.0 фоиз атрофида бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръати — 6.1, бозор хизматлариники эса 14.5 фоизга ўсишига эришишнинг иқтисодий заминларига эгаимиз.

Давлатимиз раҳбари яқинда Наманганда бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” мавзусидаги III халқаро форумдаги нуктида таъкидлаганидек, *“иктисодийтимиз ўтган даврда 2 қаррага ўсди, аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етди, изчил ишловларимиз тўғрисида 7,5 млн. киши камбағалликдан қизқариб, камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди, йил якунигача уни 6 фоизгача қамайтиришни мақсад қилганмиз”*.

Бу рақамлар, бир қарашда оддий тўюлса, унинг замирида ишловларни изчил амалга ошириш, машаққатли меҳнат, оқиллона бошқарув мўжасаси. Бу — ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолига муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, Ўртобошимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини фаровонлаштириш, инсон қадрини кўтаришга қаратилган амалий ҳаракатлар натижасидир.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга тўқунлиқ қўлаётган тизимли омилиларни аниқлаш, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш, аҳоли ўртасида камбағалликни қисқартириш, инвентисон салохиятини ошириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш устувор вазифалардан. Аммо таҳлиллар бу жараёнда ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатмокдаки, уларнинг илмий асосланган ечимини топишга қўмақлашши иқтисодий йўналишдаги илмий марказлар ва олий таълим муассасаларининг устувор йўналишларидандир. Бу ҳусусда 2024 йил 17 июлда бўлиб ўтган ҳудудлар ва тармокларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Шу маънода, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва унинг ҳузурдаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази томонидан бир қатор ишлар олиб борилмокда.

Ҳўш, илмий тадқиқотлар қайси йўналишларда олиб борилади?

Аввало, барча вилоятлардан биттадан туман таллаб олиниб, ушбу ҳудудларнинг социал-иқтисодий жиҳатдан ривожланишининг стра-

тегиялари илмий асосда ишлаб чиқилишида фаол иштирок этиб келинмокда;

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари билан биргаликда аҳоли камбағаллик тоифасига тушиб қолиш сабабларини илмий таҳлил қилиш, маҳаллаларнинг хусусиятлари ва иқтисослашувидан келиб чиқиб, камбағал оилаларга ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилиши бўйича илмий асосланган тақдирлар ишлаб чиқиш, уларнинг моддий имкониятларини таъминлайдиган қўшимча иш ўринларини яратиш бўйича амалий тақдирлар бериб келинмокда;

Сурхондарё вилоятида ишловлар натижадорлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш юзасидан бевосита туманларда илмий тадқиқотлар олиб борилаётир, улар юзасидан аниқ илмий асосланган тақдирлар тақдим этиб келиняпти;

пойтахт ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кенгаши тарқиб тасдиқланиб, бу кенгашга университетнинг номдор олимлари ва амалиётчи мутахассислар, тadbиркорлар жалб этилди, туманларнинг “ўсиш нукталари”ни аниқлаш ҳамда иқтисодий муаммоларни таҳлил қилиш ва илмий тақдирлар тайёрлаш билан бир қаторда жойларда ўқув-семинарлар тақдир тақдим қилинмокда;

Тошкент вилоятида жойлашган Олмалик кон-металлургия қўшма банди билан маҳсулот таннаҳини қамайтириш, инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш, қадрларни самарали бошқариш, жаҳон бозориди маҳсулотларини сотиш жараёнида рискларни баҳолаш ва шу каби йўналишларда илмий ишланмалар тайёрланиб келиняпти;

Тошкент, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида минтақавий лабораториялар тақдир қилиниб, ушбу ҳудудларда жойлашган қорхоналарнинг иқтисодий салохиятини баҳолаш, уларнинг тақдир бозорларга мослаштириш бўйича ўқув-семинарлар ўтказилиб, илмий-амалий тақдирлар бериб келинмокда;

ҳудудларда тadbиркорларнинг хорижий бозорлар талаблари, халқаро савдо қондалари, экспорт жараёнларини тақдир қилиш, логистика, маркетинг йўналишлари бўйича иқтисодий билимлари оширилмокда;

Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги айрим тadbиркорлик субъектларига банкрот ҳолатга тушиб қолмаслик учун риск таҳлили, солиқ мабуриятларини ўз вақтида бажариш учун солиқ маслаҳатчи, маҳсулот таннаҳини қамайтириш ва пул оқимларини тўғри бошқаришни таъминлайдиган услубий йўналишлар тақдим қилинмокда.

Ҳўш, ҳудудларга оид тадқиқотлар нималарни кўрсатади?

Бу жараёнда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида таллаб олинган ўртада маҳаллалар иқтисодий таҳлил қилинди, уларнинг икти-

сослашуви ва камбағал оилаларда ўтказилган сўровномаларнинг таҳлилдидан келиб чиқиб, аҳолининг камбағал тоифасига моддий имкониятлар яратиш юзасидан илмий-амалий тақдирлар берилди. Маҳаллий ҳокимликлар, тadbиркорлар билан биргаликда ҳудуднинг социал-иқтисодий ўсиши бўйича стратегияларни ишлаб чиқишда, уни бойитишда, туманларнинг иқтисодий ўсиш драйверларини аниқлашда, бандликни таъминлаш, аҳоли қайғиятига таъсир кўрсатувчи омилилар, мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш юзасидан илмий тавсиялар тақдим этилди.

Университет олимлари ҳамда Зангиота тумани ҳокимлиги мутахассислари билан биргаликда туманнинг географик ахборот тизимлари технологияси асосида интерфaл ахборот таҳлилий электрон харитаси ишлаб чиқилди ва у университет ҳамда Зангиота туманининг расмий веб-сайтларида жойлаштириш учун тавсия этилди.

Бугун юртимизда камбағалликни қисқартиришнинг янги модели — ҳар бир хонадон, ҳар бир оила билан алоҳида режа асосида ишлаб, даромадни оширишга қаратилган тизим ўзини оқламакда. Олис маҳалларда ўтказилган сўровнома натижалари ҳам буни тасдиқлади. Тадқиқотда туманларда ўрта маҳалла таллаб олинди (нисбатан илғор, ўрта ва қолоқ маҳаллалар), уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати таҳлил қилинди, камбағал оилаларнинг бу тоифага тушиб қолишининг ижтимоий-иқтисодий сабаблари ўрганилди, қўшимча маблағ ишлаб топишда маҳалладаги мавжуд имкониятлар кўрсатилиб, уларга тавсиялар берилди.

Бугун юртимизда камбағалликни қисқартириш йўналишида ишловлар олиб борила экан, охириги йилларда бу борада 8 млрд. доллар маҳалла йўналтирилганлиги натижасида 5 млн. 200 мингдан зиёд аҳоли “камбағаллик қопқони”дан асраб қолингани сўхбат ва сўровномаларда ўз исботини топди.

Шу ўринда таққос учун айтиш жоиз, сўнгги беш йил ичида дунё мамлакатларида камбағаллар сони ошиб бораётган бир пайтда (650 млн.дан 800 млн. кишига етган) юртимизда 7,5 млн. кишигача қисқарган. Қолаверса, бу муддатда дунё миқёсида иқтисодий ўсиш ўртача 3 фоиз атрофида бўлаётган бўлса, мамлакатимизда бу кўрсаткич ўртача 5,5-6,5 фоизни ташкил қилаётгани эътиборга молик.

Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, бугун мамлакатимизда камбағалликни минимал даражада қисқартириш учун иқтисодий асос мавжуд. Камбағаллик даражасини баҳолаш бўйича аниқ мезонлар яратилди, бу йўналишда ҳар йили маҳаллаларни обод қилиш, инфратузилмасини ривожлантириш ва тadbиркорлик равнақига 2,5-3 млрд. доллар сарфланмокда. Келгусида бу мақсадлар учун 400 млн. доллар жарғаниши эъвазига 328 та оғир маҳаллада иш ўринлари яратилади, инфратузилмалар яхшиланади. Демак, бу мамлакатимизда камбағалликнинг 6 фоизгача тушириш борасидаги ҳаракатларимиз аниқ ҳисоб-қитобга, бу йўналишда тўри тизимга ҳамда бошқарувга эга эканлигимиздан далолатдир.

Садирдин ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
директори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ШИФОКОРЛИК – ЮКСАК ШАРАФ ВА КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Аммо буни эғнига оқ халат кийганларнинг барчаси ҳам ҳис қила олгани йўқ

“Дардинг келиши осон, кетиши қийин”, деганлари рост экан. Мана, уч йилдирки, чап тиззамда оғриқ билан бошланган касаллик азоб бериб келади. Шундан буюн кўринмаган докторим, қилмаган амалим қолмади ҳисоб. Тошкентда номи чиққан ортопед-травматолог борки, барининг ҳузурига бош сўқиб қидим. Қани ўзгариш бўлса? Қани муолажалар қор қилса?!

Аксига олиб, оғриқ кун сайин зўрайиб кетди. Туппа-тузук юрган одамнинг дабдурдустдан бир оёғи бўклиб, ярим ногиронга айланиб қолса, руҳи тупроқ бўларкан. Атрофдагиларнинг азбаройи кўнгили учун берган далласио жоиз-ножоиз тавсиялари кам қалбга наштаздай ботаркан бундай пайтда...

Бирни кўриб фикр қил...

Йўлкада ўқиган «доктор»

Тиббиётдан хабардор кишилар яхши билади, аниқ ташхис касаллиқни даволашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис малакали мутахассис ҳулоса чиқаришга шошилмайди. Бемор билан обдан суҳбатлашди, касаллик тарихини пухта ўрганади, зарурат бўлса, қўшимча қўриқдан ўтказиб, таҳлиллар олади ва уларнинг натижасига қараб, даволаш чораларини кўради. Бунинг учун шифокорда етарли даражада билим, қўникма ва тажриба, беморни тинглай олиш қобилияти, қолаверса, тўғма истейдод ҳам бўлиши даркор.

Агар ташхис нотўғри қўйилса-чи? Бундан ортиқ азоб бўлмаса керак. Шифо умидидаги барча сай-ҳаракатлар бесамад кетаркан. Ҳам вақтдан, ҳам нафадан ютқазиб эса жуда аламлик.

...Ҳамма муаммо оилавий поликлиника жарроҳи тавсия қилган ўша ёш травматологининг муолажасидан сўнг бошланди. Қорачандан келган қотма бу йилгит чап тизза бўғинига «синовит» деб ташхис қўйди. Тўшунтиришча, бу ортикача суюқлик йиғилиши билан боғлиқ касаллик бўлиб, вақтида даволанмаса, суяклар мўртлашиб қийайишди, ҳатто чириши ҳам мумкин экан. Шунинг учун пайсалга солмай, даволанишни бошлаб юбордик.

Буюрган уқолларини олдим, долриларни ичдим, машқларни ўз вақтида баҳардим. Натижа қандай бўлди, дейсизми? Афсуски, оғриқ қолиш ўрнига қуяйдик, поликлиникага юриб борган бўлсам, энди тик оёқда туришини ўзи азобга айланди.

Даволовчи шифокор оёққа дам беришимни буюрди. Шундай қилдим ҳам. Кейин билсам, у менга “дам” бериб юборган экан. Танишларининг айтишча, бу уйдабурон шифокор ишдан бўшаб, телефон рақамларини ўзгартирибди. Алоқа йўқ эмиш. Жаҳл устида уни топиб, таъзырини бериб қўйиларин келди. Лекин шайтонга ҳай бердим. Яратгандан ўқибди йўлакларда битирган бундай шифокорларга инсоф тилаб, ҳеч қимнинг иши уларга тушмаслигини сўраб, илтижо қилдим...

Аравачада келиб, чопқиллаб кетганлариям кўрдим. Бирқў ўзим мисолимида ана шу дондор клиникалардаги “Сизни операциясиз даволайман”, “10 кунда футбол ўйнайдиган бўласиз”, деган шифокорлар тўғри ташхис қўя олмагандиш дегман. Қўзимга нажот фариштаси бўлиб кўринган ўша докторларга ишониб, уч йил азоб тортигимга ачинаман.

Аввалгига қоронавирус асорати, деб даволашди.

Ўзгариш бўлмагач “артроз” дея ташхислаб, яна даволашди. Натижа чиқмагандан сўнг артрит, деб топишди, тағин даволашди. Бунданам пайсал қўрмадим. Охири ревматоартрит бўлгансиз, деб ревтмолог шифокорга йўланма бериб, ўзлари сувдан қуруқ қийишди. Бу орада меникс йиртилган, пай жароҳатланган, дегувчилар ҳам бўлди. Лекин биз тўғри ташхис қўйишнинг улдасидан чиқа олмадик, дейдиган мард топилмади. Аксинча, такрор текширувларга йўналтириб, қиммат дори-дармонлар рўйхатини тузиб бериб, ҳолдан тойдирдишди. Оқибатда дардимга дард қўйишди: тизза бўғиним қотиб қолиб, ҳаракатим чекланди. Хусусий клиникалардан кўрган фойда-дам, топган шифоим шу бўлди.

Мен сиздан шифо топдим

Одамзоднинг табиати қизик-да, наҳотки олисдан излайди. Қимматли, демак, сидатли деган қараш эса онг остимизгача сиғиб кетган. Шундан бўлса керак, олдимиздан оққан сувнинг қадрига етавермаймиз. Йўқса, ўзим ҳам аллақачон ҳар қуни йўлим тушадиган Республика иқтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган бўлардимки.

Ҳа, мен дардимни оилалардан узоқ излаган шифоим оёғим остидаги ушбу тиббиёт муассасасидан топдим. Бунинг учун марказ директори, камтарин инсон, моҳир жарроҳ ва катта қалб соҳибни Мурод Ирисметов, спорт травматика бўлими бошлиғи Дилшод Шамшиметов, даволочни шифокор Феруз Рустамов ва ёш мутахассис Бахтиёр Усмоновдан бир умр миннатдорим.

Мурод Ирисметовни яқиндан танимаган беморлар бу инсоннинг марказ раҳбари эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмаса керак. Чўки кўзлари доим қулиб турадиган, ҳечариси нурили бу кишига мартаба нўқси урмаган, халқона тилда айтганда, оёғи ердан узилмаган.

Яширмайман, ўзига бино қўйган базми шифокорларнинг ҳулосасидан қўнғилим сиғиб қолганди. Боз устига юришдаги нўқсоним сабаб ўзимни одамлардан олиб қочадиган ҳолга тушганим ҳам рост. Ана шундай бир пайтда Мурод Ирисметовнинг илқ сўзлари менга умид берди, тузалишга ишонч уйғотди.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

Самарқанд вилоятининг кўплаб ҳудудлари, хусусан, Қўшработ, Иштихон, Пайариқ, Ургут, Самарқанд, Булунғур ва Тойлоқ туманларида узумчилик аграр соҳанинг сердаромад тармоқларидан бири. Янги ва серҳосил узум навлари

Омилкорлик

яратилиб, хорижга майиз экспорти йил сайин ошиб бормоқда.

лан донг таратган Қўшработда бугун майизчилик асосий драйверга айланди. Бу йил илк бор ўтказилган “Майиз сайли” ҳам асл боғбонлар, маҳоратли майиз етиштирувчилар юрти бўлган Қўшработда ташкил этилгани бежиз эмас.

— Йигирма беш сотих ерда

Йил сайин бу навдаги тоқзорлар кўпаймоқда. Улардан самарали фойдаланиш ҳамда даромадни ошириш мақсадида томчиллаб сугориш тизими жорий этилиб, сув сарфи камида икки баробарга қисқармоқда.

— Қўшработдаги иқлим ва туп-

зорда рақобатбардошлигини ошириш учун сифатли қайта ишлаш технологияларини соҳага жалб қилиш, қадоқлаш ва логистика жараёнларини модернизациялаш муҳим. Бизда бундай ишлар замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабаб, Туркия дунёда узум етиштириш бўйича кучли ўнналикка киради, майиз экспортида биринчи ўринда туради.

Соҳани тузилмавий асосда ривожлантириш мақсадида Қўшработ базавий туман этиб белгила-
ниб, “Қўшработ-Агро стар” МЧЖ ташкил этилган. Унинг фаолияти Иштихон, Ургут ва Хатирчи туманларини қамраб олади. Ўзбекистонда 90 минг гектар майизбоп тоқзорлар мавжуд. Туманлардаги МЧЖ қамровига кирувчи майизбоп тоқзорларнинг умумий майидони 32 875 гектарини ташкил қилади. Ушбу ҳудудларда ҳар мавсумда ўртача 92 350 тонна майиз етиштирилади. Келгусида Қўшработда замонавий агросаноат мажмуасини ташкил этиш режалаштирилган. Махмуа майизбоп узум етиштириш, қуритиш, лаборатория синовларидан ўтказиш, қайта ишлаб, қадоқланган шаклда ички ва ташқи бозорга миллий бренд билан чиқариш каби босқичларни ўз ичига олади. Бу Қўшработнинг майизи бренд сифатида жаҳон бозорига ўз мавқеига эга бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Бугуннинг гапи



ПАХТАЧИЛИКДА ВАЗИЯТ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Тажрибали деҳқонларнинг айтишича, Марказий Фарғона чўлларида жойлашган Мингбулоқ тумани далаларида пахта ҳосилдорлиги яқин-яқинчага 40 центнердан ортмаган. Бу йил фермерлар олимларнинг қайта синовдан ўтган маҳаллий “Порлоқ” навини экишгач, пахтачиликдаги вазият тубдан ўзгарди.

— Гектаридан 60 центнердан ошириб пахта териб олдик, — дейди “Файзимухаммад ота Ч” фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Чилматов. — Толаси пишқ, чигити бўлиқ. Энг муҳими, қўсақлар бирдан очилар экан.

“Равнак-1” навини экиб даласидан ўтган йилдаги натижадан бир ярим баробар кўп ҳосил олган мингбулоқлик бошқа фермерлар ҳам бу навлар муаллифлари раҳмат айтишмоқда. Чунки ҳар қанча меҳнат қилманг, навлар бўлмаса, қутилган натижага эришиш мушкул. Дарҳақиқат, ўзбек олимлари томонидан яратилган “Порлоқ” нави сув танқислиги, шўрланиш ва турли касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туради. “Равнак-1” айни шу хусусияти билан асосий экин майдонлари шўрхок ва сўғориш ишлари қийин кечадиган Мингбулоқ шaroити учун жуда мос тушди. Парваришини вақтида қилиб, озқаси тўлиқ берилса, деҳқонни бой қилади.

Фермер бу йилги мавсумда гўзага илк бор дронлар ёрдамида ишлов берди. Сепилган дефолиантлар чаноқларнинг очилишини тезлаштириб юборди. “Равнак-1” парваришланган 124 гектарнинг дастлабки 8 гектарлик пайкалидаги пахта йиғиб олинган кун фермернинг кўнгли кутилмаган қувончдан ёришди. Ҳосилдорлик — гектаридан 63,2 цент-

нер! Мингбулоқ дала-
ларида ҳали бу натижага эришилмаганди.

— Хитойдан келтирилган гўза навларининг замонавий технологияларга асосланган агротехникаси, камхарж, кам меҳнат талаб этиши бор гап, — дейди туман кишлоқ хўжалиги бўлими бошлигининг ўринбосари Алишер Ҳақимов. — Лекин олдиндан оққан сувнинг қадри бошқача! Ҳамма гап, деҳқончилик маданияти, агротехнологияси, уларга амал қилишда. Тўғри, “Равнак-1”ни илк парваришлаганимиз учун сўғоришда, биологик усуллардан фойдаланишда камчиликлар қолди.

Бу ҳам бир тажриба бўлди. Насиб этса, келгуси йил ҳосилдорлики 75 — 80 центнерга етказамиз.

Пахтачилик ҳам ўзига хос бизнес, унинг натижадорлиги деҳқон қатори хомашини қайта ишловчию давлатни ҳам бой қилади. Бинобарин, янги навлар шaroфати туфайли фермернинг даромади янада қўпаядиган бўлди. Ахир, у ҳосилдорлик ортиши ҳисобига қўшимча 2,5 миллиард сўм даромад олишни мўлжаллаб турибди.

Энди, айтинг-чи, маҳаллий гўза навлари хорижники билан бемалол рақобатлаша оладими? Албатта! Мингбулоқда эришилган ютуқлар буни яққол тасдиқлаб турибди.

Қудратилла
НАЖИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚЎШРАБОТ МАЙИЗИНИНГ ДОНҒИ ҚИР ОШГАН

Гап шундаки, мамлакатимизда мавжуд 181 минг гектар тоқзорларнинг 55 минг гектари Самарқанд вилояти ҳиссасига тўри келади. Жорий йилда вилоятдан 2 минг тонна узум, 34,2 минг тонна майиз экспорт қилинди. Айниқса, Қўшработ далаларида етиштирилаётган узум ва майизга нафақат юртимиз, хатто хорижда ҳам талаб юқори. Бугунги кунда тумандаги 13 900 га яқин томорқа ва деҳқон хўжаликларида 7 минг гектардан ортиқ майдонда узум етиштирилмоқда. Бу боғ-тоқзорлардан ҳар йили 50 — 55 минг тонна ҳосил олинади.

— Ота-боболаримиз азалдан майизчилик билан шугулланиб келган. Сабаби, ерларимиз узум етиштиришга мос бўз тупроқ, — дейди “Қураган” фермер хўжалиги раҳбари Сирилийбой Суяров. — Яхши-лаб парваришланса, боғлар 100 — 150 йил яшайди. Бу уч авлод ишли бўлади, дегани. Қўшработ вилоят марказидан 100 километр, айрим жойлари 150 километр узоқликда жойлашган. Шу боис бозорга узум-

дан кўра, майиз олиб бориш қулай. Оқ тоғнинг Қўшработ, Иштихон ва Пайариқ томонида ҳам яхши майиз бўлади. Чунки шамол мунтазам эсиб туради, об-ҳаво кескин қизиб кетмайди. Бу ҳудудларнинг иқлим шароити узум қуритиш учун ниҳоятда қулай. Ёзнинг давомийлиги аъло сифатли майиз ва ҳўраки узум навларини етиштиришга, халқимизнинг анъанавий тажрибалари ва фан ютуқлари уйғунлигида кам маблағ сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот олиш имконини беради. Ҳозир кўп жойларда узумни қуритишда соякихона сифатида шахсий хонадонларнинг томлари-дан фойдаланилмоқда. Саноат мақсидида соякихона шамол ўтиб турадиган очиқ жойларда қурилади. Узум бошларини соякихоналарга жойлаштиришдан олдин 20 — 24 соат сояда қуритилади. Шу усул боис 20 — 22 фоиз юқори сифатли майиз олинади. Майизларимизни эса Хитой, Эрон, Туркия ва Россияга экспорт қиляпмиз.

Ҳа, бир пайтлар чорвачилик би-

деҳқончилик қиламан, — дейди туманнинг Чорлоқ қишлоғида яшовчи Акбар Йўлдошев. — Бу майдоннинг 20 сотихида узум етиштираман. “Хусайни”, “Тоифи” каби узумларни қуз фаслида сотамиз. “Оқ чўп” навли узумни эса майиз қилиб, қиш ва баҳорда бозорга чиқарамиз. Бизда кўчат экишдан тортиб, майиз тайёрлашгача бўлган жараёнда, асосан, қўл меҳнатига таянилади. Шунинг учун ҳам майизларимизнинг сифати юқори. “Майиз сайли” бизга келгусида уни янада бозориг, экспортбop қилиб тайёрлаш учун янги имкониятлар зшигини очди.

Айни пайтда Қўшработда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб янги тоқзорлар барпо этилмоқда. “In vitro” усулида тоқ кўчатлари яратилмоқда. “Аватар”, “Гигант” каби узум навларини етиштириш кенгайди.



роқ унумдорлиги узумчилик учун жуда мос, — дейди Туркия Республикасидаги Чукурова университетининг кишлоқ хўжалиги факультетини профессорси Семих Ада-
на. — Тўғри навлар танлаб, кўчат экиш, сувдан оқилана фойдаланиш ҳамда органик ўғитларни жорий этиш зарур. Майизнинг бо-

ФАН ОЛИМПИДАСИ ҒОЛИБИГА — АВТОМОБИЛЬ

Қорақўл туманидаги

ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиларининг турли даражадаги фан олимпиадаларида ғолиблар сафидан ўрин олиши аллақачон анъанага айланиб улгурди. Бу галги муваффақият эса янада ҳавас қиларли.



Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Офарин!

Гап шундаки, мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Мухаммадали Расулов математика фани бўйича ўтказилган IRN олимпиадасида 1-уринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ғолибга “Нексия – 3” русумли автомобиль соврин тариқасида берилди.

— Иқтидорли, салоҳиятли, интилувчан ўқувчилар ҳам, уларнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай ўз устида ишлаб, шогирдла-

ри иқболини кўришга иштиёқманд устозлари ҳам юртимиз, миллитимиз бойлиги, — дейди маскур билим даргоҳи директори Т. Рўзи-
ев. — Мухаммадалининг ютуғи муносабати билан туман ҳокими, олимпиада ташкилотчилари, педагог ва ўқувчилар иштирокида ўтказилган тақдирлаш маросимида ана шу алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ис-

лоҳотлар самараси ҳақида сўз борди.

Тадбирда ушбу нуфузли олимпиадада фаол қатнашиб, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларга сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Мухаммадалининг усто-
този ва мактаб-интернат раҳбари 10 миллион сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТИДА ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Бу ҳаётда барчамиз истеъмолчи саналамиз. Истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларимизни билиш эса ҳамма нарсига онгли равишда ёндашувимизни билдиради. Ҳўш, бу борада бизга қандай ҳуқуқлар берилганлиги ва уларни қандай самарали ҳимоя қилиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Кейинги пайтда кўп истеъмолчилар ўз ҳуқуқларидан бохабарлиги қувонарли, албатта.

Долзарб мавзу

Жорий йилнинг саккиз ойида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерациясининг Фарғона вилоятидаги тизим ташкилотлариغا истеъмолчилардан 582 та мурожаат тушди. Уларни ўрганиш ва ҳал қилиш якунлари-га кўра, истеъмолчилар фойдасига 1 млрд. 450 млн. сўмдан ортиқ маблағлар қайта ҳисоб-китоб қилинди. Шу маблағнинг 409 млн. сўми судларга киритилган даъво аризалари кўриб чиқи-лиши натижасида истеъмолчилар фойдасига ундирилган моддий ва маънавий зарар миқдорини ташкил этади.

— Ҳар қандай шароитда ҳам истеъмолчи ҳақ, — дейди федерациянинг Фарғона вилояти ҳудуди бирлашмаси раҳбари Ахор Раҳмоналиев. — Бундан икки йил аввал Кувасой шахрида истиқомат қилувчи М.Ю.дан номиди ҳеч қандай кредит бўлмаса-да, Халқ банки АТБ томонидан банк пластик картасидан асоссиз равишда маблағ ечиб олинганлиги бўйича ариза келиб тушганди. Истеъмолчи манфаати устувор-

лигини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, суд қарори билан унинг фойдасига 2 млн. 839 минг сўм моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди. Низолар юзага келганда истеъмолчи истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўли-
ми, суд ёки бошқа назорат идоралари бўлсин, турли органларга мурожаат қилиш имкониятига эга.

— Яқинда шу истеъмолчидан яна бир мурожаат келиб тушди, — дейди федерациянинг Фарғона вилоятидаги ҳудудий бирлашмаси шўба бошлиғи Фахриддин Бойназаров. — Мазкур банк томонидан унинг пластик картасидан тақроран 3 млн. 789 минг сўм маблағ ечиб олинган. Истеъмолчи мурожаати асосида банк муассасасига сўров хати киритилиб, ўрганишлар олиб бориш жараёнида мурожаатда келтирилган вазирлар ўз исботини топди. Натижада бу маблағ тўлиқ истеъмолчининг банк пластик картасига қайтарилди. Келгусида ушбу ҳолат тақрорланмаслиги учун унинг исм-ша-

рифи электрон базадан узили-
ши таъминланди.

Айниқса, коммунал хизматлардан фойдаланишда истеъмолчилар тегишли ташкилотнинг расмий сайтидаги шахсий кабинетини бошқаришни ўрганиши муҳим. Айнан коммунал хизматлар соҳасида бундай муаммолар кўп. Афсуски, ўрганишлар мобайнида аксарият ҳолларда истеъмолчилар коммунал хизмат идоралари расмий сайтида ўз шахсий кабинети ташкил қилинганлигини билмайди ёки ушбу қулайликка эътиборсизлик билан қарамоқда.

Олтириқ туманида яшовчи И. М.нинг мурожаатини ўрганиш давомида шундай ҳолатга дуч келинди. Хонадонда ичимлик суви истеъмоли сува ҳисоблагич воситасида олиб борилди. Лекин истеъмолчи томонидан сув ҳисоблагич кўрсаткичлари биллинг базага ўз вақтида киритиб борилмаган. Шу сабабли, 508 минг сўм асоссиз қарздорлик юзага келган. Ўрганишлар давомида мазкур қарздорликни бартараф қилиш чораси қўрилди. Аммо бу ҳолат истеъмолчининг турли идораларга мурожаат этиши, вақт йўқотиши ва турли асаббузарликларга сабаб бўлгани ачинарли.

Бугун хусусий секторда истеъмолчиларга ўз эътирозларини ўрнида билдириши учун имкониятлар яратиб бериш масаласи ҳаётини заруратга айланмоқда. Албатта, давлат идораларига ўз ариза, шикоят ва тақлифлари билан ёзма ёки электрон тарзда мурожаат қилиб келаётганларга

тегишли шароит яратилган. Бугунги кунда хизматларнинг аксарият қисми хусусий сектор томонидан сотилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат, бажарилган иш юзасидан истеъмолчи ўз эътирозини хусусий сектор масъулига юқоридаги шаклларда билдириш имкониятига эгами?

Амалиётда харид қилган маҳсулотда нуқсон аниқланганда истеъмолчи кўпинча ўз эътирозини савдо дўкони ходимига фақат оғзаки билдиради. Бундай тадбиркорлик субъектларида аксарият ҳолларда истеъмолчи ўз эътирозини билдиришига шикоят ва тақлифлар дафтри, электрон мурожаат қилиш учун алоқа маълумотлари шакллантирилмаган. Оқибатда истеъмолчининг сотувчига қилган оғзаки эътироз ҳеч қачон расмийлаштирилмайди. Шу боис сотувчи уни ҳаф-талаб, ойлаб сарсон қилади. Белгиланган тартибда эътирознома ёзиб, уни сотувчига тақдим қилиш, у олишдан бош торган тақдирда почта орқали юбориб, низоини ҳал этишда аскададиган таянч нуқта — ўзининг илк мурожаат қилган кунини қонуний қайди этишдир. Талаблари ўз мuddатида кўриб чиқилмаган, тегишли тартибда ҳал қилинмаган тақдирда эса қонун талаблари бўйича пеняларни ундириб олиш имкониятига эга.

Яқинда Фарғона вилояти Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси сўрови ва танлама асосда истеъмолчилар-

га савдо ҳамда умумий овқатла-
ниш, дори воситалари ва тиббий буюмларни сотаётган қарийб 100 субъектда бу борада яратилган имкониятлар ўрганилди. Ва уларнинг бор-йўғи 25 фоизда истеъмолчи ўз эътирозини оғзаки равишда билдиришдан ташқари шикоят ва тақлифлар дафтарига ҳам қайд қилиши учун имкониятлар яратилган. Уларнинг бир-иккитасида шикоятни электрон шаклда ҳам қабул қилиш имконияти мавжудлиги айтилган бўлса-да, электрон манзил истеъмолчилар танишиши учун қулай жойга қўйилмаганлигини кўрсатади. Аксинча, ўрганилган тадбиркорлик субъектларининг деярли ярмида кириш қисмига ҳатто субъектнинг номи, юридик манзили ва иш тартибини кўрсатувчи пешлавҳалар ҳам ўрнатилмаган. Бу истеъмолчи учун эътирозни ёзма равишда беришда қийинчилик туғдиради.

Бир қарашда оддий ҳолатдек туюладиган бундай шароитлар тўлиқ яратиб берилиши истеъмолчига қулай бўлиши билан бирга, тадбиркорга ҳам ўз бизнесини самарали назорат қилиш, мурожаатлар турли давлат идораларига етиб бориб, текширилишигача бўлган ортиқча “бош оғрик”лардан холи бўлиш имконияти беради. Истеъмолчи манфаати устуворлигини таъминлашда бу оддий, лекин муҳим ҳаётини қоидага айланиши керак.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Келгуси йилларда юртимизда мис ишлаб чиқариш ҳажми 250 минг тоннага, 2030 йилга бориб эса 500 минг тоннага етиши кутилмоқда.

САНОАТГА АЙЛАНГАН САНЪАТ

СЕРИАЛЛАР — ШУНЧАКИ МАИШИЙ МАҲСУЛОТ ЭМАС, МАЪНАВИЙ ТАЪСИРЧАН КУЧ

“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 23 сентябрь сонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси Зулфия Мўминованинг “Экрандаги қабоҳатнинг ҳаётдаги акси ёки енгил-елпи сериаллар жамиятга нима берапти?” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Аксарият хусусий телеканаллар, турли сайтлар ва ижтимоий тармоқларда намойиш этилаётган сериалларда аёл образининг ноҳолис, ноҳақоний тасвирланиши, гоҳ жанжалкаш қайнона, гоҳ бевафо хотин, гоҳ енгилтак келин қиёфасида гавдалантирилиши жамиятда ҳаҳолатнинг ортшига сабаб бўлаётгани ҳақида теран мушоҳада юритилган мазкур мақола газетхонлар орасида катта акс садо берди.

Қуйида ушбу долзарб мавзу ва мақолага муштарийлардан келган муносабатлар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

■ Акс садо

Аёл — муқаддас хилқат

Фируза МУХИТДИНОВА,
ТДЮУ профессори:

— Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари, айниқса, телеканаллар жамият онги ва маданиятига катта таъсир кўрсатмоқда. Телесериаллар орқали инсонларда муайян фикр ва стереотиплар шаклланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, хусусий телеканалларда намойиш этилаётган айрим сериаллар мавзуси ва номининг ўзидек кишида жиддий эътироз уйғотгани. Эътибор беринг-а: “Девона келин”, “Блогер келин”, “Сепи ёниб кетган келин”, “Боксёр келин”, “Қиморбоз келин”, “Ўғри келин”, “Инстаграмчи келин” ва ҳоказо. Бу медиамаҳсулотларнинг марказида, асосан, салбий қиёфадаги “келин” образи туради. Бундай талқин эса томошабин онгиде ўзбек аёли ҳақида бирёқлама салбий тасаввур уйғотиши мумкин.

Унутмаслик керак, бугунги кунда ҳам, тарихда ҳам ҳаммиса аёллар жамият таянчи бўлган. Тарихий ва маънавий манбаларга мурожаат қилсак, ўзбек аёли асрлар давомида маърифат, меҳр ва садоқат тимсоли бўлиб келган. Абу Наср Форобий “фозил жамият” ҳақида сўз юритар экан, тарбияда аёлнинг ўрнини алоҳида қайд этади. Шунингдек, Ибн Халдун ҳам жамият тараққиётида оиланинг, хусусан, она сифатида аёлнинг ўрни бекиёс эканини таъкидлайди.

Шу ўринда, ўзбек давлатчилиги тарихида миллий ифтихор тимсоли бўла оладиган аёллар кўп ўтган. Масалан, Тўмарис ҳақида ёзилган манбаларга кўра, у сак-массагетлар маликаси бўлибгина қолмай, давлатчилик ва ватанпарварлик рамзига ҳам айланган. Биҳишоним — Амир Темурнинг умр йўлдоши. Самарқандда илм-маърифат, маданият ва оилавий қадриятларнинг ривожига катта ҳисса қўшган. Нодирбеғим (Моҳарройим) — Фарғона хонлиги даврида ижодкор, маърифатпарвар ва зиёли аёл сифатида нафақат шеъ-

рият, балки тарбия ва маънавий соҳасида ҳам улкан мерос қолдирган. Увайсий — тарбия ва маърифат орқали жамият ахлоқини юксалтиришга қаратилган асарлари билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган. Ёки яқин тарихимизда халқимизнинг ардоғида яшаган Ҳалима Худойбердиева — ижодида она, аёл ва ватанпарварлик образини улуғлаган, тарбияга катта эътибор қаратган.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда кўплаб маърифатли аёлларимиз, профессорлар, олималар, шифокорлар, ёзувчи ва шоиралар мамлакатимиз тараққиётига, ёшлар тарбиясига бекиёс ҳисса қўшмоқда. Бу инсонларнинг ҳаёти, фаолияти, бебаҳо мероси ҳақида ибратли сериаллар олса бўлади.

Мақолада урғу қаратилган сериалларнинг эса маънавий хавфи ўта юқори. Агар оммавий ахборот воситаларида аёл образи мунтазам равишда салбий қиёфада кўрсатилса, бу ёш авлодда аёлга нисбатан ҳурмат ва ишончнинг су-сайишига олиб келиши мумкин. Натижада жамиятда ижтимоий муносабатлар мувозанатига путур етади.

Ҳаҳон тажрибасида сериаллар орқали аёл образи кўп ҳолларда илгор, замонавий, шу билан бирга миллий қадриятларга садоқатли қиёфада намойён қилинади. Масалан, Туркия ёки Жанубий Корея сериалларида аёл қаҳрамонлар кўпчилик кучли, билимли ва маънавий юксак шахс сифатида тасвирланади. Бунинг акси бўлган ҳолатларга эса қарши курашилади. Яъни маънан қашшоқ, енгил-елпи олинган сериаллар ёки оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган аёлни, миллатни ёки инсон қадрини пастга туширувчи маҳсулотлар учун турли мамлакатларда турлича жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Туркияда сериал ва телешоулар

қатъий назоратда. Агар сериалда миллий қадриятларга, оилавий анъаналарга зид ҳолатлар кўп учраса, катта жарималар қўйилади ёки кўрсатув эфирдан олиб ташланади.

Жанубий Кореяда оилавий қадриятларга зарар етказадиган, жинсий камситиш ёки зўравонлиқни тарғиб қилувчи сериаллар эфирдан чекланиши ёки эфир вақти кечки соатларга кўчирилиши мумкин.

Франция ва Германияда ОАВда аёл шаънини камситувчи контентга қарши қонунлар бор. Бундай ҳолларда продюсерлик компаниялари катта жарима тўлайди.

АҚШда агар сериалда салбий контент, аёлларга нисбатан камситиш, зўравонлиқни тарғиб қилиш кўп бўлса, жамоатчилик босими, феминистик ташкилотлар давёси, рекламадорларнинг чек-киниши орқали унинг намойиши тўхтатилиши мумкин.

Араб мамлакатларида (масалан, Саудия Арабистони, Катар) маънавий тарбияга зид сериаллар умуман эфирга чиқмайди.

Бугун Янги Ўзбекистонда инсон кадр-қиммати ҳар нарсадан улуғ деб Конституцияда белгиланган экан, миллий телеканаллар сценарий яратганда ижтимоий-маънавий масъулиятни ҳис этиши шарт. Салбий образлардан кўра ижобий, ватанпарвар, маърифатли ва меҳрли аёл қиёфалари кўпроқ тарғиб қилиниши лозим. Жамиятда ўзбек аёлининг ҳақиқий юзи — она, устоз, ватанпарвар ва меҳнатсевар инсон сифатида намойён этилиши мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари фаолиятида аёл образининг тўғри ва холис акс этирилиши устидан назоратни кучайтириши зарур. Миллий кино ва сериал ишлаб чиқариш жараёнида туркий мамлакатлар ва жаҳоннинг илгор тажрибасидан ўрнатқ олиниши мақсадга мувофиқ.



Бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ

Шоҳсанам ДАВРОНОВА,
Бухоро давлат университети профессори:

— Мақолада бугунги кунимиздаги энг оғриқли масала ўртага ташланган. Ҳақиқатан ҳам, телеэкран орқали ёки ижтимоий тармоқларда намойиш этилаётган сериаллар жамият ҳаётига бамисоли табиий офат каби ёғилмоқда. Хусусий каналларда берилаётган айрим сериалларнинг мазмун-моҳияти инсон руҳиятига қутилмаган зарба бўлиб тушади.

Масалан, ана шундай сериалларнинг бирида бош қаҳрамоннинг арзиманган рашқдан бошланган гумони гулдек оиланинг пароканда бўлишига олиб келади. Баъзи фильмлар қаҳрамонлари оила деб аталмиш кўрғоннинг муқаддаслигини бутунлай унутган. Жумладан, бир сериалда бош қаҳрамон — мулкдор эркак ўз уйида умрбўйи унга садоқат билан яшаган хотинига очикчасига хиёнат қилади. Даволашишга ётган шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаётган оилалик аёлга кўнгли тушиб ҳар қандай йўл билан бўлса-да, уни ўзиники қилиш учун макр тузоғини ташлайди. Эркак ўз уйида унга содиқ яшаб, фарзандлар туғиб берган аёлни камситида, ҳўрлайди. Энг ёмони, бош қаҳрамоннинг хотинига хиёнатини унинг ўз ўғли ёқлайди. Ўз онасининг ота хиёнатининг аламли ўтида қуяётганига бепарво қарайди. Ҳатто ўғил хиёнаткор отанинг хизматида бўлади. Сериалнинг бир қисмида ҳийлакор хотин тузоғига илинган эр ўз оиласидан воз кечади. Хиёнатдан зарба еган шўрлик аёл бу зарбаларни кўтара олмай вафот этади. Маккора тузоғига илинган эр етим қолган болаларининг ўғай она зугумидан қочиб, саргардон бўлиб қолишигача бепарво яшайди.

Қани бу сериаллардаги эзгу мақсад? Қани вафого вафо билан жавоб бериш? Қалқаш тақдирлар, бузилган оилалар... Менимча, одамлар онгига тескари таъсир қиладиган, миллий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган сериаллар намойишига чек қўйиш вақти келди.

орттиришни мақсад қилиб олганларга мақола муаллифи ўта кескин савол қўяди: “Сиз Шарқ аёлининг табаррук тоғида Фарб беҳаёликларни ҳақиқатда тушунга мағзавалярини ағдариниш қачон бас қиласиз? Ўз манфаатингиз йўлида ақл, қалб, севги ва садоқатга таянмаган АЁЛ деган улуг номни беқадр қилишга нима ҳаққингиз бор?”

Бу кескин саволларга жавоб тополмай, каловланиб турганларга мен яна савол бериб турсам, адолатдан бўлмас. Шу мақсадда уларга жўялироқ тақлиф киритмоқчиман: биродар, бўлди, ётар! Маиший мавзуларнинг мағзаваси чиқиб кетди. Биз бугун дунёга дарвоза очдик. Ҳар бир яратгимиз ўз ҳаётимиздан сўзлайди. Шундай экан, сиз ўзингиздаги билим ва савиянгни янада юксалтирган ҳолда ўзбекнинг ўзлигини намойён қила оладиган тарихий асарларга юзланинг! Ҳали қанчадан-қанча аждодларимиз мероси очилмаган кўрик сингари ётибди...

Хулоса сўзимни куюнчак ижодкор мақоласидаги сўнгсўзга ийғун тарзда баён қилмоқчиман: соғ ақл ва қалб билан яратган асарларингиз орқали ВАТАН деган улуг номни боқадр қилишга, албатта, ҳаққингиз бор!

«Халқ сўзи».



МДХ ўйинлари:

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ МУСОБАҚАДА 119 ТА МЕДАЛЬ ЖАМҒАРДИ

Озарбайжонда III МДХ ўйинлари нияҳосига етди. Мусобақанинг сўнгги кунида ҳамюртларимиз бадий гимнастиканинг беш ҳалқа ва беш жуфт булава дастури бўйича жамоавий йўналишда бронза медалига сазовор бўлди.



Шу тариқа Ўзбекистон вакиллари мусобақа давомида 25 та олтин, 33 та кумуш ва 61 та бронза, жами 119 та медаль билан умумжамоа ҳисобида Россия, Озарбайжон ва Беларусдан кейин тўртинчи ўринни эгаллади.

Мазкур ўйинлар ёш спортчиларимиз учун тахриба майдони бўлди. Боиси ўсмирлар терма жамоамизнинг аксарият спортчилари яна 10 кундан кейин Баҳрайнда старт оладиган III Осиё ёшлар ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

Дзюдо:

ЯККАЛИК БАҲСЛАРИ ГОЛИБЛАРИ АНИҚ

Перуда дзюдо бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг яккалик беллашувлари якунига етди. Оғир вазн тоифасида кенган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси 1 та кумуш ва 2 та бронза медалига сазовор бўлди.



Шу тариқа спортчиларимиз яккалик баҳсларини 1 та кумуш ва 5 та бронза медаллари билан якунлашди.

Сув спорти:

СИНХРОН СУЗУВЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳиндистоннинг Аҳмадод шаҳрида сув спорти турлари бўйича Осиё чемпионати давом этмоқда.



Мазкур мусобақада синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли қатнашди. Хусусан, синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2 та олтин, 1 та кумуш ва 5 та бронза, жами 8 та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Маълумот учун, мазкур йўналишда Қозоғистон ҳамда Таиланд терма жамоалари 1 ва 2-поғоналарни банд этди.

Спорт тиббиёти:

КЕЧА, БУГҮН, ЭРТАГА

Пойтахтимизда худди шу мавзуда халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (МОҚ) қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази (РСТИАМ) ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган ушбу тадбирнинг очилишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, МОҚ ва РСТИАМ, Халқаро спорт тиббиёти федерацияси раҳбарияти, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда спорт тиббиётининг ривожланиш тарихи, терма жамоаларимизнинг бугунги галабаларида соҳанинг ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Маҳаллий ва хорижий шифокорлар физиология ҳамда реабилитация йўналишларидаги ўз илмий ишлари ҳақида тақдиротлар ўтказди.

Бугунги кун дастуридан эса амалий жараёнлар ўрин олган.

«Халқ сўзи».

Рақамли маркировкаланган муддати ўтган товарларга 2026 йил 1 мартдан назорат-касса техникаларида харид чеки чиқарилмайди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-601 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатга маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термалар ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6